
КИТОБ – МИЛЛАТ ВА МАЪНАВИЯТ ТАЯНЧИ

*Тешабоева Умида,
Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси директори ўринбосари*

A certain decline of interest in reading is today a global trend and many countries have made active attempts to counteract on the basis of the understanding of the role of reading in the development of any country. The experience of these countries shows that it is possible to change the situation for the better. However, maintaining a high level of written and oral culture requires constant, relentless efforts, and the availability of effective institutions for the development and support of reading (and writing) culture.

The article presents the main provisions in addressing these issues at the Governmental level in the Republic of Uzbekistan, under orders for development of publication and distribution of books, improvement and propagation of reading culture.

*Муъжиза эмасдир фалакда офтоб,
Муъжиза аслида беминнат китоб.*

Жалолиддин Румий

Азал-азалдан ўзбек халқи китобхон халқ. Бунга бизнинг буюк, дунё таниган аждодларимиз ва улар колдирган улкан мерос гувоҳ. Китоб доим бизни фикрлашга, ҳалол яшашга, Ваганни севиш, жамият тараккиётига хизмат қилиш, маънавий меросимизни асраш каби эзгу ишларга бошлаб келган. Аждодларимиз китоб мутолааси билан мунтазам шуғулланганлар. Болаларда ёшлиқдан китобдан завқ олиш, китоб ўқиш кўникмалари шакллантирилган. Бунга ота-оналар, мураббийлар ўз зиммасидаги юксак вазифа сифатида қарашган. Кўпгина зиёли, маърифатли оилаларда жуда катта микдорда бойлик – китоблар сақланган. Йирик кутубхоналар барпо этилиб,

илму фузалю, олим ва зодагонлар ихтиёрига берилган. Мадрасаларда ҳам китоб мутолааси билан толиблар изчил шуғуланишган. Бу каби омиллар эса, бу юртда юксак зотлар етишига замин тайёрлаган.

Қайси ёшда бўлмайлик, ҳар биримиз ўзимизнинг энг биринчи ўқиган китобларимизда ёзилган эзгу фикрларни эслаймиз, унинг ўчмас гоёларига эргашамиз. «Ҳар ишники килмиш одамизот, тафаккур бирла билмиш одамизот». Навоийнинг ушбу теран сатрларида башарият таракқиёти учун билим ва тафаккур нечоғлик улкан аҳамиятга эга эканлигига яна бир мисолдир. Инсоният томонидан неча асрлар давомида тўлланган билим, орттирилган тажриба бугунги ва келажак авлодларнинг бебаҳо бойлиги, улкан маънавий-маданий мерос китобларда мужассамдир. Китоб миллатнинг маданий мероси сифатида боқийдир.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки. Ўзбекистонда китобга бўлган қизиқиш ва унга бўлган ҳурмат азалдан шаклланган бўлиб, уни билим ва маънавиятнинг бебаҳо манбаи сифатида қадрлаб келган. Истиқлол йилларида ушбу хайрли анъана янги, янада теран маъно-мазмун билан бойиди. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти томонидан халқимизнинг маънавий, илмий ва маданий салоҳиятини асраб-авайлаш ҳамда янада ривожлантириш, шу асосда ёш авлодни тарбиялаш ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги муҳим устувор йўналишлардан бири сифатида белгилаб берилди.

Ҳозирги глобаллашув даврида «китоб ўқилмаяпти» деган фикрлар қулоғимизга бот-бот чалиняпти. Сабаблар қидирилганда эса турли, бир-бирига зид жавоблар чиқиши табиий. Бугунги кунда асосий ахборот телевидение ва интернет орқали олинади. Оммавий ахборот воситаларининг янги турлари пайдо бўлиши натижасида китоб мутолааси бирмунча пасайган бўлиши мумкин, аммо матбуот нашрлари кишиларда китоб мутолаасига қизиқишни кучайтиришга хизмат қилиб келмоқда. Бугун кишилар, айниқса, ёшларнинг кўп китоб ўқимаётганини замона зайлига, уларнинг интернет билан ҳаддан ташқари ошно эканлигига йўйишади. Аммо интернет кишини мутолаадан айирувчи восита эмас. Бу улар учун имкониятлар эшигини янада кенгайтиради. Одамлар орасида «Кўлингга китобни олиб мутолаа қилганингда китобнинг ифори келиб турса бошқача-да,

ундан олган хузурингни интернет ёрдамида юқлаб олган электрон китобдан тополмайсан» – деган фикрдагилар кўп. Буни инкор этмаган ҳолда, шуни айтиш керакки, илмий изланиш олиб бораётган тадқиқотчи учун босмахонадан янги чоп этилган китобни ҳидлаш эмас (муаллиф томонидан ёзилиб, ноширлар томонидан китоб ҳолатига келгунча анча вақт сарф бўлади), балки энг сўнгги маълумотлар билан тезкор танишиб чиқиш муҳимроқдир.

Республикамизда 12 мингдан зиёд ахборот-кутубхона муассасалари томонидан аҳолига ахборот-кутубхона хизматлари кўрсатилади. Кутубхоналарнинг бош вазифаларидан бири – бу китобхоналар томонидан сўралаётган ахборот-кутубхона ресурсларини ўз вақтида етказиб беришдир. Кутубхонани китобларсиз тасаввур қилиш қийин, бироқ йилдан-йилга ахборот-кутубхона муассасалари фондлари китоблар билан тўлдирилиши камайиб бораётгани кузатилмоқда. Борлари ҳам тушуниб-тушунмасдан, турли важлар билан фондлардан чиқариб юборилмоқда. Нима эмиш, фалон ёзувчининг фалон асари «Ёш гвардия» нашриётида чоп этилган экан. Масалан, Одил Ёқубовнинг «Мирзо Улуғбек» романи «Ёш гвардия» нашриётида чоп этилган бўлса, кутубхона фондидан чиқарилиши керак деганими бу?! Кутубхоначиларга ижтимоий-сиёсий, тарихий, фалсафий, диний асарлар бўлса майлику-я, лекин нега бадий адабиётларни ҳам қўшиб чикитга иргитяпсан, деб савол берсангиз, елкасини қисиб, раҳбарият, текширувчилар шунақа талаб қилишди, дейди. Ахир, қани бу ерда мантик, ўз касбига ҳурмат!?

Бундан ташқари кутубхона фондларини бадий, маърифий, илмий-оммабоп, маълумотнома нашрлар билан (ўқув қўлланма ва дарсликлар бундан мустасно) тўлдириш учун маблағ ачинарли даражада кам ажратилади, баъзи кутубхоналар эса, бир неча йиллардан бери умуман китоблар билан тўлдирилмаяпти. Кутубхоначи нима қилади? Имкониятидан келиб чиқиб, фондларни тўлдириш йўлини излайди, турли «акция»лар ўтказиш билан чекланади. Таълим муассасаларининг битирувчилари ўқишни тугатиш чоғи кутубхонага китоб совға қилади. Китобхонликни тарғиб қилиш мақсадида бу, албатта, яхши, лекин фондларда бундай китоблар бор бўлса, ортикча нусха сифатида олиш керакмикан? Бундай акциялар ёрдамида кутубхоналарга янги китобларнинг келиб туриши-

ши жуда оз миқдорни ташкил қилади. Асосан уйда мавжуд бўлган эски китоблар совға қилинади. Республикада фаолият кўрсатаётган ахборот-кутубхона муассасаларида бунга ўхшаш акциялар, китоб марафонларини ўтказиш янгилик эмас. Кутубхонада ўз фойдаланувчиларини янги китоблар билан таъминлаш тизими тўғри йўлга қўйилмагунга қадар «китоб ўқилмаяпти» дейишимиз балки нотўғридир. Китоблар кутубхона жавонларида тўлиб-тошса-ю, ўқилмаса, ундан кейин китоб ўқилмаяпти деб, бонг урсак арзийди.

Мутолаага қизиқишнинг сусайиши, ўз навбатида аҳоли саводхонлиги даражаси пасайиши жамият ва давлатнинг барқарор ривожланиши учун катта таҳдидлардан саналади. Шунинг учун ҳам, кўплаб ривожланган мамлакатларда бу салбий ҳолатнинг олдини олишга йўналтирилган қатъий чора-тадбирлар кўрилмоқда. Умуммиллий комплекс дастурлар ишлаб чиқилмоқда. Масалан, Россияда «Мутолаани кўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш миллий дастури» қабул қилинган бўлиб, уни амалга ошириш 2007–2020 йилларда, уч босқичда амалга ошириш кўзда тутилган.

Биринчи босқич – 2007–2010 йй.

Иккинчи босқич – 2011–2015 йй.

Учинчи босқич – 2016–2020 йй.

Умуммиллий комплексларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, кутубхоналар, таълим муассасалари, илм-фан, тадбиркорлик субъектлари, соҳадаги фуқаролик жамияти институтлари ва, албатта, оммавий ахборот воситалари ишини мувофиқлаштириш бўйича тизимли чора-тадбирлар назарда тутилади. Дунё тажрибасига кўра, бундай мақсадли дастурлар ҳамда концепцияларнинг қабул қилиниши ижобий натижа беради.

Шу маънода, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил 12 январда қабул қилинган «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги фармойиши юзага келган муаммоларни комплекс ҳал қилишга қаратилгани билан эътиборлидир.

Фармойишда кўйилган вазифаларни бажариш, кўтарилган масалаларни ҳал қилиш бўйича учта: Китоб маҳсулотларини чоп этиш, тарқатиш, молиявий кўллаб-қувватлаш, муаллифлик ҳуқуқини

таъминлаш билан боғлиқ масалалар бўйича биринчи кичик ишчи гуруҳи; Ахборот-кутубхона фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича иккинчи кичик ишчи гуруҳи; Китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ривожлантириш ва тарғибот-ташвиқот масалалари бўйича учинчи кичик ишчи гуруҳи тузилган бўлиб, бугунги кунда улар томонидан чора-тадбирлар режалари ишлаб чиқилди. Ахборот-кутубхона фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича иккинчи кичик ишчи гуруҳи томонидан кутубхоналар янги ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш, уларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, китоб фондларини яхшилаш ҳисобига модернизация қилиш масалалари муҳокама қилинди. Республикамизнинг чекка ҳудудларида яшайдиган ва ахборот-кутубхона муассасаларига бориш имконияти чекланган аҳолига қулайлик яратиш мақсадида кўчма кутубхоналар хизматини такомиллаштириш, хужжатларни электрон етказиб беришни, ахборот-кутубхона ресурсларидан масофадан туриб фойдаланишни ривожлантириш ва яқка, гуруҳли ҳамда оммавий китобхонликни тизимли равишда ташкил қилишни мукамаллаштириш, китобхонларда мутолаа маданиятини тарбиялаш, ахборот-кутубхоналар имиджини яхшилаш ва бошқа кўплаб масалалар бўйича аниқ механизмлар тақлиф этилди.

Учта ишчи гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар режаси асосида фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш ва Махсус Ишчи гуруҳ раҳбари Ўзбекистон Республикаси Бош Вазири А.Арипов томонидан 2017 йил 10 март куни «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича Комплекс Чора-тадбирлар дастури» тасдиқланди. Бу чора-тадбирлар, биринчи навбатда аҳолининг китобхонлик маданиятини оширишга, ахборот-кутубхона муассасаларини янгилашга, улар фаолиятини такомиллаштиришга, адабий асарлар сонини кўпайтиришга ва сифатини яхшилашга, китоб маҳсулотларини тарқалиши ҳамда етказиб берилиши тизимини ривожлантиришга қаратилгандир.

Жамиятда китобхонликнинг ўсиши, халқимизнинг маънавий ва ахлоқий юксалиш омилидир. Бу эса юртдошларимизнинг интеллектуал салоҳиятининг ўсишига, республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий таракқиётига хизмат қилади.